


Builders of The Future

EFFECTIVENESS OF USING TAX INCENTIVES GIVEN TO BUSINESS ENTITIES AND THEIR IMPACT ON THEIR FINANCIAL ACTIVITIES

Askar Yusupov

Researcher
Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: business entities, tax benefits, economic entities, preference.

Received: 22.04.24

Accepted: 24.04.24

Published: 26.04.24

Abstract: This article analyzes the efficiency of using tax incentives granted to business entities in our country and their impact on their financial activities. In addition, the mechanism of applying tax incentives, the main directions of providing tax incentives to business entities, the legal basis of tax incentives granted to economic entities in the republic, the enterprises with tax incentives and the funds left at their disposal, as well as the share of tax incentives and types of taxes in the Republic of Uzbekistan, were thoroughly analyzed. Opinions were discussed and conclusions were formed about increasing the effectiveness of benefits.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БЕРИЛГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

Асқар Юсупов

Тадқиқотчи
Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, солик имтиёзлари, хўжалик субъектлари, преференсия.

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига берилган солик имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги ва уларнинг молиявий фаолиятига таъсири таҳлил этилган. Шунингдек, солик имтиёзларини қўллаш механизми, тадбиркорлик субъектларига солик имтиёзларини тақдим этишнинг асосий йўналишлари, республикада хўжалик субъектларига берилган солик имтиёзларининг хуқуқий асослари, солик имтиёзига эга корхоналар ва улар ихтиёрида

қолдирилган маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари бўйича улуши атрофлича таҳлил килиниб, солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш борасида фикрлар юритилган ва хулосалар шакллантирилган.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ, ПРЕДОСТАВЛЯЕМЫХ СУБЪЕКТАМ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА, И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ИХ ФИНАНСОВУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

Аскар Юсупов

Исследователь

Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	субъекты налоговых льготы, субъекты хозяйствования, преференции.	Аннотация:	В данной статье анализируется эффективность использования налоговых льгот, предоставленных субъектам предпринимательства в нашей стране, и их влияние на их финансовую деятельность.
------------------------	--	-------------------	--

Кроме того, рассмотрен механизм применения налоговых льгот, основные направления предоставления налоговых льгот субъектам предпринимательства, правовая основа предоставления налоговых льгот субъектам хозяйствования в республике, предприятиям, имеющим налоговые льготы, и средства, остающиеся в их распоряжении, а также как доля налоговых льгот и видов налогов в Республике Узбекистан, были тщательно проанализированы мнения и сформированы выводы о повышении эффективности льгот.

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ролини тубдан оширишга, уларни ривожлантириш йўлидаги тўсик ва чекловларни бартараф этишга, уларнинг манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга, солиқ юкини қисқартириш ҳамда солиқ имтиёзлари ва енгилликлари беришга жуда катта аҳамият берилиб келинмоқда. Хусусан, сўнгги пайтларда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг тармоқларини ривожлантиришга ҳамда республиканинг барча худудида харид қилинадиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ҳар қандай давлат унинг хўжалик юритиш тизими қандай бўлишдан қатъий назар давлат бюджетини даромадлар билан таъминлашда асосий воситалардан бири бу – солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлардир. Аммо, жорий этилган солиқлар соғ фискал шаклда ўрнатилиши

мумкин эмас. Чунки фақат бюджет манфаати нүктаи-назаридан ўрнатилган солиқларни амал қилиши узок вақтни ўз ичига олмайди. Шу сабабли, муайян даражада солиқ имтиёzlаридан фойдаланиш тақозо этилади. Бу эса, мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунга қадар, ушбу йўналишда хорижий ва мамлакатмиз олимлари томонидан қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Россиялик таниқли иқтисодчи олим В.Г.Пансковнинг фикрича «Солиқлар – давлатнинг молиявий фаолиятини таминалаш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мажбурий, қайтариб берилмайдиган, доймий ундириладиган қонуний тўловдир» деб таъкидлайди [1].

Классик олимлар У.Пети, Ж.Б.Сей ва инглиз иқтисодчилари Д.Рикардо, Ж.Миллар иқтисодиётни самарали ва ўзини-ўзи бошқара олади деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, талаб таклифни яратади, агар ишлаб чиқарувчилар кўпайиб кетишса улар ўзлари тақчил тармоқларга ўтишини, солиқлар эса фақатгина бюджет даромадининг манбаи сифатидагина рол ўйнайди холос, деб ҳисоблашган [2].

Профессор У.Гафуров томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда имтиёzlардан самарали фойдаланишнинг назарий масалаларига оид олиб борилган тадқиқотда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари, давлат томонидан бериладиган имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлиги ва миқдорий чегараларини аниқлаш масалалари атрофлича кўриб чиқлган. Унинг фикрича мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли имтиёз ва енгилликларни тақдим этишда назарий қоидаларнинг эътиборга олиниши мазкур жараёнлар самарадорлигини янада ошириши алоҳида таъкидланган [3].

Ё.М. Абдурахимова томонидан олиб борилган тадқиқотда мамлакатимизда солиқ тизими니 давлат ва иқтисодий агентлар талаблари даражасида такомиллаштириш ва янги солиқ қоидаларини амалга жорий этиш орқали оиласвий тадбиркорлик салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уни фуқароларнинг барқарор даромад манбаига айланишига кўмаклашиш зарурати ёритиб берилган Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш ва солиқ тизимини янада такомиллаштириш масалалари асослаб берилган [4].


Солиқ тизимида солиқ имтиёzlаридан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, бизнингча, улар қуидагилардан иборатdir. Хусусан:

бираинчидан, солиқ имтиёzlарини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу – солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс) ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидир. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди;

иккинчидан, давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга ошириш шароитида турли хил дастаклардан фойдаланади. Мазкур дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солик тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солик имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солик имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади. Бундан кўринадики, солик имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;

учинчидан, солик имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатdir. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солик тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равища қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солик тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади. Бозор иқтисодиёти шароитида солик ислоҳотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат солик имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни мувофиқлаштиради.

Солик имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бўлиб, бу солик имтиёзларини белгилаш мезонлариниadolатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо, қайд этиш жоизки, солик имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатидан у турли давлатларда турлича бўлади. Солик имтиёзларини белгилаш мезонларини 1-расм орқали янада ёрқинроқ тасавур қилиш мумкин.



1-расм. Тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини тақдим этишининг асосий йўналишлари [5]

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига солиқ имтиёзларини белгилаш муайян мезонлар асосида амалга оширилган. Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчиларнинг инвестицион мавқеига, уларнинг ижтимоий ҳолатига, республикамизда қайси соҳани ривожлантириш устуворлигига, солиқ тўловчиларнинг импортни ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражасига ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳалқаро иқтисодий муносабатларга асосланиб белгилангандир. Солиқ имтиёзларини мезонларини тўғри объектив аниқлаш солиқларнингadolатлилик тамойилини ифодаси сифатида юзага чиқади.

Хозирги кунда мамлакатимизда хўжалик субъектларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 24 та моддасида келтирилган 200 дан ортиқ банд асосида юридик шахсларга амал қилиш муддати доимий бўлган имтиёзлар ва преференсиялар, 120 га яқин Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасинииг қарорлари асосида солиқ имтиёзлари ва преференсиялари тақдим этилган. Республикаимизда тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларини ҳуқуқий асослари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, таҳлил маълумотлари кўрсатишича ўзариш тенденсиясига эгадир (1-жадвал).

1- жадвал

Республикада хўжалик субъектларига берилган солиқ имтиёзларини ҳуқуқий асослари бўйича маълумоти, (%да)


Йиллар	Жами солиқ имтиёзлар	Солиқ кодексига асосан берилган имтиёзлар	Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан берилган имтиёзлар
2010	100	91,9	8,1
2011	100	92,0	8,0

2012	100	93,4	6,6
2013	100	93,0	7,0
2014	100	92,8	7,2
2015	100	71,0	29,0
2016	100	70,5	29,5
2017	100	71,9	28,1
2018	100	72,6	27,4
2019	100	74,8	25,2
2020	100	71,1	28,9
2021	100	70,0	30,0
2022	100	70,0	30,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, жами солиқ имтиёзларининг 2010 йилда 87 фоизи Солиқ кодексига асосан берилган бўлса, 2014 йилда 92,8 фоизга етган, яъни таҳлил этилаётган даврда 5,8 фоизли бандга ошган. Шунингдек, Хукумат қарорларига ва меёрий хужжатларга асосан берилган солиқ имтиёзлари 2010 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 7,2 фоизга тушган, яъни таҳлил этилаётган даврда 5,8 фоизли бандга камайган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган қатъий белгиланган солиқни салмоғи 2022 йилда 4,4 фоизни ташкил қиласкан бўлса, 2022 йилга келиб 8,9 фоизни ёки 2016 йилга нисбатан 3,8 фоиз пунктига кўпайган.

Хисобот йили тугаши билан қонунчиликда белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўлови тўловчилар давлат солиқ ҳизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтадилар.

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзига эга корхоналар сони ва улар ихтиёрида қолдирилган маблағлар миқдори ўсиш тенденсиясига эга бўлиб, қуйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин.




2-расм Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзига эга корхоналар сони ва улар иҳтиёрида қолдирилган маблағлар миқдори

2-расм маълумотларидан кўринадики, республикада солиқ имтиёзига эга бўлган корхоналар сони 2010 йилда 34000 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 57763 тага етган ёки 23376 тага кўпайган. Шунингдек, солиқ имтиёзи юйича корхоналар иҳтиёрида қолдирилган маблағлар миқдори 2010 йилда 2978,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 11107,7 млрд.сўмга етган ёки 8129,2 млрд.сўмга кўпайган. Бироқ, 2020-2021 йилларда солиқ имтиёзига эга корхоналар сони ва имтиёз миқдори 2015 йилга нисбатан камайганини кўришимиз мумкин. Ушбу холатни, айрим солиқ имтиёzlари муддати тугагани ва бекор қилингандиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Солиқ преференсиялари солиқ назорати жараёнида солиқ текширувларини итказиш тартибини соддалаштириш, солиқ текширувлари муддати ва даврийлигини қисқартириш, солиққа оид хукуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштириш ва бошқа афзалликлар каби қилланилмоқда.

Эндиликда юқорида берилган имтиёзлардан келиб чиқиб, Республикада айнан кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзларни таҳлилини амалга оширамиз ва бу кўрсаткичларни ўзгариш тенденсияси таҳлилини қуидаги расмда кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзига эга кичик бизнес субъектлари сони ва улар ихтиёрида қолдирилган маблағлар миқдори

3-расм маълумотларидан кўринадики, республикада солиқ имтиёзига эга бўлган кичик бизнес субъектлари сони 2015 йилда 24,9 мингтани ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 16,1 мингтага етган ёки 8,8 мингтага кўпайган. Шунингдек, солиқ имтиёзи бўйича корхоналар ихтиёрида қолдирилган маблағлар миқдори 2015 йилда 131,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 1324,7 млрд.сўмга етган ёки ўн баробарга кўпайган. Бироқ, 2015-2022 йилларда солиқ имтиёзидан фойдаланган корхоналар сони нисбатан камайганини кўришимиз мумкин. Ушбу холатни, айрим солиқ имтиёzlари муддати тугагани ва бекор қилингандиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Эндиликда тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларини солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари кесимида таҳлилини амалга оширамиз ва бу кўрсаткичларни ўзгариш тенденсияси қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларини таҳлил қиласақ, мамлакатимизда бугунги кунда солиқ тўловчиларга барча солиқ турлари бўйича кенг имтиёзлар берилмоқда. Натижада солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари бўйича салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, 2015 йилда жами имтиёзлар улушида қўшилган қиймат солиги улуши 80,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 79,8 фоизини ташкил этган. Фойда солиги бўйича бу кўрсаткич 2015 йилда 5,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 5,0 фоизни ташкил этган ёки 0,3 фоизли пунктга камайган. Ягона солиқ тўлови бўйича 2015 йилда 3,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 7,0 фоизни ташкил этган ёки 3,6 фоизли пунктга ўсган.

**Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари
бўйича улуши (фоизда)**

Солиқ турлари	Йиллар (%)да							
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Жами солиқ имтиёзлари	100	100	100	100	100	100	100	100
Кўшилган қиймат солиғи	80,5	80	77,8	84	81	84,6	79,6	79,8
Фойда солиғи	5,3	5	5,1	5	6,8	5,2	4,9	5,0
Ягона солиқ тўлови	3,4	3	3,6	4	4	4,4	6,9	7,0
Бошқа солиқлар	8,1	10	11	4	5,1	4,3	4,2	4,1
Мақсадли жамғармалар	2,7	2	2,5	3	3,1	1,5	4,4	4,1

Шунингдек, мақсадли жамғармалар бўйича 2015 йилда 2,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 4,1 фоизни ташкил этган ёки 1,4 фоизли пунктга ўсган. Натижада уларнинг ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги техника ва технологияларини ўрнатиш, ривожлантириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

ХУЛОСА

Юқорилаги таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб айтиш жоизки, солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш борасида солиқ тўловчилар орасида имтиёзларни асл моҳиятини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказиш, берилаётган имтиёзлар содда, тушунарли ва аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиши лозим, Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий хужжатлардаги иқтисодий самарадорликка эга бўлмаган имтиёзларни бекор қилиш лозим. Таҳлил натижаларига кўра, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ имтиёзларини қўлланилиши натижасида, солиқ юкининг камайишига олиб келмоқда ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришини ҳисобга олган ҳолда, айнан ушбу соҳаларга солиқ имтиёзларини беришни давом эттириш ва имтиёз муддатини узайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қиласидан бўлсанк, кичик бизнес субъектларига берилаётган солиқ имтиёзлари уларнинг ривожланишида, ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва техник технологик модернизация қилишда, янги иш ўринларини яратиб, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришларида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида бюджетта тушум суммасининг кўпайишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. www.soliq.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.
2. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди ва тузилди

3. Пансков В.Г Налоги и налоговая система РФ. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2005, - 16 с.
4. Черник Д.Г. Налоги и налогообложение. Учебник - М.: МЦФЭР, 2006, - 528. с.
5. У.В. Гафуров. кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда имтиёзлардан самарали фойдаланишининг назарий масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 8, ноябрь-декабрь, 2013 йил.
https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/4_U_Gafurov.pdf
6. Ё.М. Абдурахимова. Ўзбекистон Республикаси солик кодексининг янги таҳрирдаги ўзгаришларининг таҳлили ва уни такомиллаштириш йўналишлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 4, iyul-avgust, 2020-yil. 4/2020 (№ 00048).
7. Egamberdiev E. Kichik biznes va tadbirkorlik. O‘quv qo‘llanma.- Т.: “Manaviyat”, 2020 - 144 b.